

**Асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2010 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	32089,8	108,0
Саноат маҳсулоти	19276,4	106,8
Истеъмол товарлари	6657,5	112,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	7596,7	106,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	8254,6	104,4
Қурилиш ишлари	4381,8	103,5
Юк айланмаси, млрд. тн-км	37,7	106,8
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	38,1	107,5
Чакана товар айланмаси	11978,5	114,6
Пуллик хизматлар	4514,0	114,0
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	12066,0	121,0
Экспорт	7241,4	118,9
Импорт	4824,6	124,4


Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

Жорий йилнинг январ–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, дастлабки маълумотларга кўра, 32089,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 8,0 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 77,1 фоизи (2010 йилнинг январ–июнида 76,5 фоизи) иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 22,9 фоизи (23,5 фоизи) давлат секторида ишлаб чиқарилди.


Январ–июнда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 522,3 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 488,1 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,5 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 26,3 фоизи), қишлоқ хўжалиги (20,6 фоизи), саноат (12,9 фоизи) ва қурилиш (7,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	297,6	100,0	266,1	100,0
шу жумладан:				
саноат	38,5	12,9	33,1	12,4
қурилиш	22,5	7,6	18,8	7,1
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	61,3	20,6	58,7	22,1
транспорт ва алоқа	10,3	3,5	9,1	3,4
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	20,1	6,8	17,9	6,7
савдо ва умумий овқатланиш	78,4	26,3	65,0	24,4
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	4,0	1,4	3,4	1,3
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	10,6	3,5	10,0	3,8
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,6	7,2	21,1	7,9

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	30,3	10,2	29,0	10,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,5 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 50,7 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,3 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 19,6 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июл ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йилнинг январ–июнида жами 26,9 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича руйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,8 фоизи), Қашқадарё (15,6 фоизи), Фарғона (8,5 фоизи), Тошкент (7,8 фоиз) ва Самарқанд (6,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 21,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 30,6 фоизи қишлоқ хўжалиги, 18,7 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 12,2 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 3179 таси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 29,8 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 27,2 фоизи қишлоқ хўжалиги, 13,0 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

Жорий йилнинг январ–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури доирасида амалга оширилган чоралар жорий йилнинг январ–июнида

22,8 минг янги кичик бизнес корхоналари (фермер хўжаликларисиз) ташкил этилишини таъминлади.

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМдаги улуши 42,2 фоизни ташкил этди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг январ–июнига нисбатан 1,1 фоизга кўпдир. Ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 25,7 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди (2010 йилнинг январ–июнида –25,0 фоизи).

Жорий йилнинг январ–июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

8783,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,5 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6316,0 минг нафари индивидуал сектор, 2467,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3582,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 18,6 фоизи) ташкил қилди ва 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 120,4 фоизга ўсди;

2498,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 30,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 126,6 фоизни ташкил қилди;

3066,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,0 фоизи) бажарилди ва 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 151,5 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспортида юк айланмаси 6,6 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 75,4 фоизи), йўловчи айланмаси 8,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 84,9 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 49,2 фоизи ёки 5901,5 млрд.сўми (ўсиш 15,4 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 41,8 фоизи ёки 1887,3 млрд. сўми (ўсиш 12,6 фоиз) шакллантирилди;

955,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 13,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 145,1 фоиз), 1743,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 36,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди (2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 121,6 фоиз).


Жорий йилнинг январ–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	3582,7	35,8
Қишлоқ хўжалиги	7449,3	100,0
Қурилиш	3066,8	79,2
Чакана савдо	5901,5	70,0
Пуллик хизматлар	1887,3	91,6
Юк ташиш, млн.тн	186,1	76,9
Йўловчи ташиш, млн.киши	2361,2	95,9
Экспорт, млн. АҚШ долл.	955,0	5,0
Импорт, млн. АҚШ долл.	1743,3	18,3

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 7976,9 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 90,8 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни

хусусийлаштириш

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида ҳисобот даврида 56 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сони Тошкент шаҳри (24 та объект), Тошкент (7 та объект), Наманган (5 та объект), Навоий ва Сирдарё (4 тадан объект) вилоятларига тўғри келди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади – 44 та объект.

Жорий йилнинг январ–июнида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 22,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳри (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 44,8 фоизи), Фарғона (21,8 фоиз), Наманган (14,9 фоиз), Тошкент (9,1 фоиз) ва Қашқадарё (2,1 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Жорий йилнинг январ–июнида ташқи савдо айланмаси 12066,0 млн. АҚШ долларини, жумладан МДҲ давлатлари билан 5024,7 млн. АҚШ долларини, бошқа мамлакатлар билан 7041,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 7241,4 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 4824,6 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 150,1 фоизни (ўтган йилнинг январ–июнида 157,0 фоизни) ташкил қилди.

Ижобий ташқи савдо қолдиғи 2416,8 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 1060,1 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан 1356,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


Жорий йилнинг январ–июнида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	2010й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	12066,0	121,0
МДҲ мамлакатлари	5024,7	129,9
бошқа давлатлар	7041,3	115,4
Экспорт	7241,4	118,9

	млн. АҚШ доллари	2010й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
МДҲ мамлакатлари	3042,4	130,7
бошқа давлатлар	4199,0	111,6
Импорт	4824,6	124,4
МДҲ мамлакатлари	1982,3	128,9
бошқа давлатлар	2842,3	121,4
Қолдиқ	2416,8	х
МДҲ мамлакатлари	1060,1	х
бошқа давлатлар	1356,7	х

Январ–июнда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг
ўзгариш динамикаси**

	таркиби, % ҳисобида	
	2011й. январ–июн	2010й. январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	118,9
пахта толаси	6,5	73,6
озиқ–овқат маҳсулотлари	8,9	158,8
улардан истеъмол маҳсулотлари	8,3	162,2
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,4	133,1
энергия манбалари ва нефт маҳ– сулотлари	19,6	103,5
қора ва рангли металллар	7,9	136,0
машина ва ускуналар	7,0	178,3
хизматлар	11,6	128,5
бошқалар	33,1	118,7
Импорт	100,0	124,4
озиқ–овқат маҳсулотлари	12,2	142,6
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган истеъмол маҳсулотлари	6,4	142,7
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	13,4	117,4
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	7,9	3,0м.
қора ва рангли металллар	8,0	132,2
машина ва ускуналар	41,9	111,5
хизматлар	5,2	108,8
бошқалар	11,4	121,6

Ташқи савдо айланмасининг қитғалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йилнинг январ-июнида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2010й. январ-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	26,1	122,3
Қозоғистон	9,5	155,6
Хитой	7,8	106,5
Корея Республикаси	6,5	136,6
Туркия	5,1	137,0
Украина	2,5	120,4
Афғонистон	2,5	88,2


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2010й. январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Германия	2,4	123,2
Франция	1,9	2,7м.
Эрон	1,7	59,5
Туркменистон	1,4	187,0
АҚШ	1,1	131,1
Италия	1,0	2,3м.
Беларусь	0,7	115,9
Латвия	0,7	149,1
Қирғизистон	0,7	113,2
Буюк Британия	0,6	91,5
Ҳиндистон	0,6	113,9
БАА	0,5	110,5
Тожикистон	0,5	95,0
Швейцария	0,5	84,4
Австрия	0,4	131,7
Нидерландия	0,4	105,0
Япония	0,4	84,1
Сингапур	0,3	44,8
Озарбайжон	0,3	3,7м.

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2010й. январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Бельгия	0,3	135,9


Жорий йилнинг январ–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

Жорий йилнинг январ–июнида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 19276,4 млрд. сўмни ёки 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 6657,5 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 112,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2945,8 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 3711,7 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,7 фоиз ва 111,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Жорий йилнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2010 й. январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	19276,4	106,8
шу жумладан:		
электроэнергетика	1560,6	101,3
ёқилғи саноати	3363,6	100,3
қора металлургия	501,5	105,7
рангли металлургия	2219,0	103,0
кимё ва нефт–кимё саноати	1061,8	112,2
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	2973,6	111,1
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	199,0	103,5
қурилиш материаллари саноати	951,0	106,7
енгил саноат	2767,9	104,6
озиқ–овқат саноати	2635,4	113,8
Истеъмол маҳсулотлари	6657,5	112,3
шу жумладан:		

	млрд. сўм	2010 й. январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ–овқат маҳсулотлари	2945,8	113,7
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	3711,7	111,1

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	2011 йил январ–июн	2010 йил январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи–энергетика саноати		
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	26,5	102,3
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	10,2	100,9
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	1,9	93,0
Бензин, минг тн	689,4	101,1
Кўмир, минг тн	1637,4	100,2
Мойлаш ёғлари, минг тн	131,6	103,4
Суюлтирилган газ, минг тн	130,5	97,7
Табиий газ, млн. куб. м	32306,3	95,9
Қора металлургия		
Пўлат, минг тн	383,6	101,1
Тайёр прокат, минг тн	362,0	101,3
Пўлат қувурлар, минг тн	41,1	115,8
Листланган пўлат профиллари, минг тн	7,5	100,8
Сирланган пўлат идишлар, минг тн	1,0	134,3
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Сунъий аммиак, минг тн	678,3	101,2
Минерал ўғитлар, минг тн	623,1	111,8
Каустик сода, минг тн	12,4	109,7
Олтингугурт кислотаси, минг тн	604,4	98,5
Кимёвий тола ва иплар, тн	8599,0	107,9
Кальцинацияланган сода, минг тн	52,0	110,9
Синтетик ювиш воситалари, тн	170,0	2,5м.
Метанол ректификат, тн	4076,0	173,0
Полиэтилен плёнка, тн	1070,0	107,5

	2011 йил январ–июн	2010 йил январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Полипропилен қоплар, млн. дона	23,8	124,4
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, минг дона (махсуслардан ташқари)	106,3	104,2
Махсус автомобиллар, дона	302	57,5
Юк автомобиллар, дона	322	77,6
Автобуслар, дона	401	64,0
Аккумуляторлар, минг дона	207,4	129,6
Трактор прицеплари, дона	817	72,9
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	10374	103,6
Кучланиш трансформаторлари, минг кВт.	1754,0	2,4м.
Кучланиш кабеллари, км	11251,0	117,2
Блокировка сигнал кабеллари, км	2472,0	2,2м.
Резина ичакли симлар, км	6240,0	2,4м.
Болалар велосипедлари, дона	3268	198,1
DVD–проигривателлари, дона	89260	116,2
Электр дазмоллар, дона	6000	144,4
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	3457,0	100,1
Шифер, млн. шартли плитка	99,2	61,0
Деворбоп материаллар, млн. шартли ғишт доналари	21,4	95,1
Қурилиш қуруқ аралашмалари, минг тн	5,8	2,1м.
Гипсли тош, минг тн	111,3	167,1
Алюмин композит панеллари, минг кв. м	127,1	3,2м.

	2011 йил январ–июн	2010 йил январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	6202,2	110,8
Тобланган автомобил ойналари, минг кв. м	385,7	135,5
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	589,8	92,4
Чигит, минг тн	846,7	96,2
Газлама хилидаги нотўқима газамалар, млн.кв.м	9,1	126,2
Ипак тола, тн	81,0	154,9
Шойи газламаси, минг кв.м	766,9	83,5
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	35,8	128,1
Трикотаж матоси, тн	7772,0	86,5
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	568,5	6,2м.
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	267,2	90,9
Тери маҳсулотлари, минг кв.дм.	3400	–
Озиқ–овқат саноати		
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	5443,0	106,5
Коньяк, минг дал	41,1	125,4
Шакар, минг тн	172,4	115,0
Спиртсиз ичимликлар, млн.дал	9,3	96,2
Минерал сувлар, млн.яримлитр	144,4	151,9
Нон ва нон маҳсулотлари, минг тн	18,9	2,0м.
Ўсимлик ёғи, минг тн	114,2	112,6
Макарон маҳсулотлари, минг тн	12,3	112,4
Маргарин маҳсулотлари, тн	8457,0	196,1
Хўжалик совуни, минг тн	24,0	110,2


	2011 йил январ–июн	2010 йил январ–июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	721,5	144,7
Омихта ем, минг тн	438,8	113,1

Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январ–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 7596,7 млрд. сўмни ёки 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил қилди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 4050,8 млрд. сўмни (106,6 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 3545,9 млрд. сўмни (107,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Жорий йилнинг январ–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 53,3 фоизни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июл ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3588,8 минг гектар (2010 йил ҳосили учун экилган майдондан 98,8 минг гектарга кам) майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1602,9 минг гектар (2010 йилга нисбатан 68,7 минг гектарга кам), пахта экин майдони 1329,1 минг гектар (12,4 минг гектарга кам), картошка – 73,3 минг гектар (2,9 минг гектарга кўп), сабзаёт экинлари – 174,3 минг гектар (3,3 минг гектарга кўп), озуқа экинлари – 308,2 минг гектар (5,7 минг гектарга кам) майдонни ташкил қилди.

2011 йил ҳосили учун экилган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони қуйидагича ифодаланади:

	минг. га	2010 йилнинг 1 июлига нисбатан фоиз ҳисобида	Жами майдонга нисбатан, фоизда
Жами экин майдони	3588,8	97,3	100,0
Донли экинлар	1602,9	95,9	44,7
шу жумладан:			
бошоқли дон	1539,6	98,7	42,9
шундан:			
буғдой	1432,9	97,7	39,9
шоли	20,2	31,0	0,6
дон учун маккажўхори	26,0	97,0	0,7
Техник экинлар	1385,3	97,9	38,6
шу жумладан пахта	1329,1	99,1	37,0
Картошка	73,3	104,1	2,0
Сабзаётлар	174,3	102,0	4,9
Полиз экинлари	44,7	96,6	1,2
Озуқа экинлари	308,2	98,2	8,6

Ҳосил йиғими. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5585,4 минг тонна дон экинлари етиштирилиб, жумладан 5577,2 минг тонна бошоқли дон, шундан 5461,1 минг тоннаси буғдойни ташкил этади.

Ҳисобот даврида 874,8 минг тонна картошка, 1675,1 минг тонна сабзавот, 107,8 минг тонна полиз экинлари, 582,3 минг тонна мева ва резаворлар, 15,7 минг тонна узум йиғиб олинди.

Чорвачилик. Жорий йилнинг январ–июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачиликнинг улуши 46,7 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 июлига нисбатан йирик шохли қорамоллар 542,7 минг бошга (6,3 фоизга), шу жумладан сигирлар 202,9 минг бошга (5,6 фоизга), қўй ва эчкилар 846,4 минг бошга (5,5 фоизга), паррандалар 4664,9 минг бошга (13,9 фоизга) кўпайди.

Жорий йилнинг январ–июнида барча тоифадаги хўжаликларда 727,1 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг январ–июнига нисбатан 6,8 фоизга кўп), 3007,9 минг тонна сут (7,0 фоизга кўп), 1658,4 млн. дона тухум (16,0 фоизга кўп), 14,5 минг тонна жун (5,5 фоизга кўп), 908,1 минг дона қоракўл тери (10,2 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларининг улуши 95,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 96,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 54,3 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. Жорий йилнинг январ–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1989,1 млрд. сўмни ёки 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 102,0 фоизни ташкил қилди.

2010 йилнинг 1 июлига нисбатан фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 6,6 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 фоизга), шу жумладан сигирлар 6,0 минг бошга (3,6 фоизга), паррандалар 1036,5 минг бошга (26,9 фоизга) кўпайди.

Жорий йилнинг январ–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Бошоқли дон	4585,0	82,2	99,0
шу жумладан буғдой	4492,9	82,3	99,5
Картошка	82,2	9,4	116,7
Сабзавотлар	264,3	15,8	110,0
Полиз экинлари	43,8	40,6	102,7
Мевалар	196,4	33,7	109,9
Узум	4,3	27,4	121,4

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда	16,7	2,3	108,5
Сут	96,2	3,2	115,7
Тухум, млн.дона	162,2	9,8	144,1
Жун, тонна	1075	7,4	109,4
Қорақўл, минг дона	36,9	4,1	102,1

Инвестициялар ва қурилиш

Жорий йилнинг январ–июнида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларидаги эквивалент ҳажми 4,9 миллиард долларни ёки 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан 107,8 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январ–июнида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 8254,6 млрд.сўмга тенг бўлди.

Жорий йилнинг январ–июнида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича					
	дават бюджети маблағлари	сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чег эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фонд- лар маблағлари ¹
жами инвестициялар, млрд. сўм						

¹) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида

	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича						
	жами инвестициялар, млрд. сўм	давлат бюджети маблағлари	суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ¹
Жами	8254,6	6,1	0,3	50,7	22,0	12,8	8,1
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	1702,0	28,1	1,4	35,2	14,9	1,3	19,1
нодавлат	6552,6	0,4	–	54,6	23,9	15,8	5,3

Жорий йилнинг январ–июнида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича:


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами	8254,6	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	5541,6	67,1
саноат	2671,3	32,4
шу жумладан:		
ёқилғи–энергетика саноати	1511,2	18,3

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
металлургия	307,5	3,7
кимё ва нефт-кимё саноати	65,4	0,8
машинасозлик	361,7	4,4
енгил саноат	154,5	1,9
озиқ-овқат саноати	96,2	1,2
қурилиш материаллари саноати	106,2	1,3
қишлоқ хўжалиги	313,0	3,8
қурилиш	181,2	2,2
транспорт ва алоқа	1761,5	21,3
савдо	377,4	4,5
геология ва ер ости бойликларини излаш	146,7	1,8
бошқалар	90,5	1,1
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	2713,0	32,9
уй-жой қурилиш	1777,3	21,6
коммунал хўжалик	118,5	1,4
соғлиқни сақлаш	198,4	2,4
таълим	238,1	2,9
маданият ва санъат	66,7	0,8
бошқалар	314,0	3,8

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 5541,6 млрд. сўми ёки 67,1 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 2713,0 млрд.сўми ёки 32,9 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитлари – ни ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 1777,3 млрд.сўми уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг январ-июнида умумий майдони 4823,9 минг кв. м. бўлган 39,0 мингта уй ёки 39,3 мингта хонадон (2010 йил январ-июнига нисбатан 109,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 3723,0 минг кв.м. (119,6 фоиз) уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1167 – сонли қарорига мувофиқ жорий йил январ-июн ойларида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 326,2 минг кв.м. га тенг 2260 та уйлар қуриб фойдаланишга топширилди, уларнинг қурилишида 375,6 млрд.сўмлик инвестициялар, жумладан Қишлоқ қурилиш банк

кредитлари ҳисобидан 204,0 млрд.сўм (умумий ҳажмга нисбатан 54,3 фоизда) ўзлаштирилди.

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан таълим объектларининг қурилишига 238,1 млрд. сўм (умумий ҳажмга нисбатан 8,8 фоиз), соғлиқни сақлаш объектларининг қурилишига 198,4 млрд. сўм (7,3 фоиз), коммунал қурилишга 118,5 млрд. сўм (4,4 фоиз) сарфланди.

Академик–лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 24,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 10,5 фоизини ташкил қилди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуришга ва капитал қайта таъмирлашга 83,3 млрд. сўмлик, бошқа соғлиқни сақлаш объектларига 8,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 42,0 ва 4,5 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 59,0 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 29,5 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 50,0 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 17,9 млрд. сўм (30,3 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобига 6,5 млрд. сўм (11,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 6,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 6,2 млрд. сўм (100,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. Жорий йилнинг январ–июнида 4381,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 78,2 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 20,1 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,7 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. Жорий йилнинг январ-июнида барча транспорт турлари томонидан 583,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2010 йилнинг январ-июнига нисбатан 109,2 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоизга ўсди ва 37,7 млрд.тн-км.ни ташкил қилди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2011 й. январ-июн	2010 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	583,2	109,2
темир йўл транспортида	29,9	107,6
автомобил транспортида	523,0	109,2
ҳаво транспортида, минг тн	16,7	118,4

	2011 й. январ–июн	2010 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
қувур йўллари орқали	30,3	111,4
Юк айланмаси, млн. тн–км	37744,6	106,8
темир йўл транспортида	11145,0	103,2
автомобил транспортида	10564,4	104,4
ҳаво транспортида	81,9	98,1
қувур йўллари орқали	15953,3	111,1

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йил январ–июнида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	МИНГ ТОННА	2010 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	29866,1	107,6
шу жумладан:		
тошкўмир	1447,2	108,6
нефт маҳсулотлари	5910,1	79,7
қора металллар	470,9	85,4
қора метал темир–терсаклари	536,0	105,6
кимёвий ва минерал ўғитлар	2451,1	108,1
қурилиш материаллари	4244,2	137,1
цемент	2264,2	74,0
ёғоч–тахта материаллари	54,5	114,3
дон ва янчилган дон маҳсулотла- ри	639,3	103,9

Автомобил транспортида 523,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2010 йил январ–июнига нисбатан 9,2 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 10,6 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 4,4 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2010 йил январ–июн даражасидан 6,4 фоизга кўпайди ва 7,5 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 71,1 фоизни (2010 йил январ–июнида – 69,8 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 16,7 минг тонна юк жўнатилиб, 2010 йил январ–июнига нисбатан 18,4 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 1,9 фоизга камайди ва 81,9 млн.тн–км.ни ташкил қилиди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 16,0 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2010 йил январ–июнига нисбатан 11,1 фоизга кўпайди.

Йўловчи ташиш. Жорий йил январ–июнида барча транспорт турлари томонидан 3036,2 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йил январ–июнига нисбатан 5,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 7,5 фоизга кўпайиб, 38,1 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2011й. январ–июн	2010й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчи–лар, млн. киши	3036,2	105,4
темир йўл транспортида	5,8	78,9
автомобил транспортида	2987,9	105,9
ҳаво транспортида	1,1	114,4
шаҳар электр транспортида	41,4	85,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	38104,3	107,5
темир йўл транспортида	1403,8	99,8
автомобил транспортида	33605,5	107,9
ҳаво транспортида	2816,8	109,7
шаҳар электр транспортида	278,2	90,7

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,4 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,2 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 21,1 фоизга камайди ва 5,8 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 0,2 фоизга камайди ва 1403,8 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1050,1 мингта йўловчи ташилди, бу 2010 йил январ–июнига нисбатан 14,4 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса 2816,8 млн. йўловчи–кмни ташкил этиб, 9,7 фоизга кўпайди.

2010 йил январ–июн ҳолати билан таққосланганда метрополитен транспорти орқали 1,5 фоизга кам йўловчи ташилган.

Товарлар ва хизматлар бозори

Жорий йил январ–июнда чакана товар айланмаси 11978,5 млрд.

сўмни ёки 2010 йил январ–июнига нисбатан 114,6 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 49,5 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари улуши 50,5 фоизни ташкил қилди (2010 йил январ–июнида мос равишда – 49,8 ва 50,2 фоиз).

Жорий йил январ–июнида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2010й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	11978,5	114,6
давлат мулки	30,4	4,2м.
нодавлат мулки	11948,1	114,4
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	8833,5	111,4

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 5219,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2010 йил январ–июнига нисбатан 14,4 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналари–нинг улуши 43,6 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 22,0 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 18,1 фоизга ошди ва 4327,2 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 36,1 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 2431,7 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2010 йил январ–июнига нисбатан 9,4 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 20,3 фоизни ташкил қилди.

Жорий йил январ–июнда чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

млрд. сўм	2010 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
--------------	---	--

	млрд. сўм	2010 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	11978,5	114,6	100,0
савдо корхоналари	5219,6	114,4	43,6
бозорлар	6758,9	114,8	56,4
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	2431,7	109,4	20,3
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	4327,2	118,1	36,1

Жорий йилнинг январ–июнида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 4514,0 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2010 йил–нинг шу даврига нисбатан 114,0 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 68,5 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 3094,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 14,2 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсиб, 1419,7 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 31,5 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 79,9 фоизни ташкил қилди.

Жорий йил январ–июнда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4514,0	100,0
давлат мулки	908,7	20,1
нодавлат мулки	3605,3	79,9

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
--	------------	--

шундан:

фуқароларнинг
хусусий мулки

1506,4	33,4
--------	------

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 8,1 фоизни ёки 366,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ўсиш суръати 2010 йил январ–июнига нисбатан 17,3 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 88,5 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 324,4 млрд. сўмни ташкил қилди ва 17,5 фоизга ошди.

Жорий йилнинг январ–июнида барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ҳажми 17577,7 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 4191,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 23,8 фоизини ташкил қилди. 2010 йилнинг январ–июнига нисбатан хизматлар реал ҳажмининг ўсиш суръати 12,6 фоизни ташкил этди.

Жорий йил январ–июнда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2010 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	17577,7	112,6	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматлари	3308,1	118,1	18,8
Транспорт хизматлари	5206,5	100,7	29,6
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини	1217,3	141,2	6,9

	млрд. сўм	2010 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
қўшган ҳолда			
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда	1626,6	124,0	9,3
Туризм–саёҳат хизматлари	21,0	126,1	0,1
Меҳмонхона хизматлари	55,5	106,9	0,3
Коммунал хизматлар	2399,8	100,8	13,7
Маиший хизматлар	193,0	118,6	1,1
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	189,0	118,8	1,1
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини қўшган ҳолда	3360,9	119,0	19,1

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда, (141,2 фоиз), туризм ва экскурсия хизматлари (126,1), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда (124,0 фоиз), автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (118,8 фоиз), маиший хизматлар (118,6 фоиз), ички савдо ва овқатланиш хизматлари (118,1 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 29,6 фоизи), савдо ва овқатланиш (18,8 фоизи), коммунал (13,7 фоизи), молиявий, микрокредитларни қўшган ҳолда (9,3 фоизи) ва алоқа ва ахборотлаштириш (6,9 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Аҳоли омонатлари

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахслар – резидентларнинг сўм ва валюта ҳисобварақларидаги омонатлари ҳажми 2791,3 млрд.сўмни ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 10,9 фоизга (273,5 млрд.сўм) кўпайди.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига жисмоний шахсларнинг валюта ҳисобварақларидаги жамғармаларининг сўмдаги эквиваленти 523,3 млрд.сўмни ташкил қилди (жами омонатлар ҳажмининг 18,7 фоизи) ва 22,7 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
Жами	2791,3	523,3	100	100
шундан:				
Халқ банки	707,7	33,4	25,4	6,4
Агробанк	433,3	2,0	15,5	0,4
ТИФ Миллий банки	368,2	113,5	13,2	21,7
Асака банк	240,4	92,9	8,6	17,8
Ўзсаноатқурилишбанк	206,2	16,7	7,4	3,2
Ипотека–банк	186,7	6,0	6,7	1,1
Ҳамкорбанк	113,2	74,1	4,1	14,2
Капиталбанк	109,8	91,5	3,9	17,5

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
Ипак йўли банк	88,2	33,3	3,2	6,4
Қишлоқ қурилиш банк	72,7	5,3	2,6	1,0
Алоқабанк	54,2	3,0	1,9	0,6
Туронбанк	49,3	23,9	1,8	4,6
Микрокредитбанк	49,2	4,7	1,8	0,9
Савдогарбанк	23,2	1,1	0,8	0,2
Трастбанк	19,8	2,3	0,7	0,4
Кредит–стандарт банк	17,4	1,1	0,6	0,2
ЎзКДБ банк	11,0	9,9	0,4	1,9
RBS O`zbekiston MB	6,4	3,5	0,2	0,7
Инвест финанс банк	5,8	1,8	0,2	0,3
Равнақ банк	4,7	0,1	0,2	0,0
Универсал банк	3,8	0,5	0,1	0,1
Бошқалар	20,0	2,9	0,7	0,6

**Нобанк кредит
ташкилотларининг фаолияти**


Кредит уюшмалари. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунига асосан ҳозирги кунда республикада 123 та кредит уюшмалари ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига кўра кредит уюшмаларининг аъзолари сони 244678 нафарга етди, улардан 242231 (99,0 фоизи) нафарини жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил қилади. Кредит уюшмаларининг активлари ҳажми 395,8 млрд.сўмни ташкил қилди.

Жорий йилнинг 1 ярим йиллигида кредит уюшмалари томонидан 303,4 млрд.сўмлик кредит маблағлари берилди, шу жумладан жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга 291,1 млрд.сўм (жами кредит ҳажмининг 95,9 фоизи), юридик шахсларга – 12,3 млрд.сўм (4,1 фоиз). Кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми 1,0 млрд.сўмни ташкил этди.

Кредит уюшмалари томонидан юридик шахсларга берилган кредитлар иқтисодиёт секторлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

2011 йилнинг 1 ярим йиллигида юридик шахсларга берилган кредитлар



Жорий йилнинг 1 ярим йиллиги давомида кредит уюшмалари томонидан жалб этилган депозитлар 256,3 млрд.сўмни ташкил этди, улардан 240 млрд.сўми жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади:

млн.сўм

Жами депозитлар	шу жумладан жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар

	Жами депозитлар	шу жумладан жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар
Ўзбекистон Республикаси	256 317	240 049
Қорақалпоғистон Республикаси	–	–
вилоятлар:		
Андижон	52 227	49 324
Бухоро	22 014	21 615
Жиззах	16 932	16 200
Қашқадарё	1 159	998
Навоий	11 367	11 055
Наманган	7 522	7 127
Самарқанд	7 180	6 611
Сурхондарё	3 809	3 379
Сирдарё	596	576
Тошкент	13 226	12 366
Фарғона	48 718	47 472
Хоразм	7 964	7 774
Тошкент ш.	63 604	55 552


Микрокредит ташкилотлари. Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ жорий йилнинг 1 июл ҳолатига кўра республикада 35 та микрокредит ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Микрокредит ташкилотларининг жами активлари ҳажми 14,9 млрд.сўмни ташкил қилди.

Жорий йилнинг 1 ярим йиллигида кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажми 49 млн.сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 ярим йиллиги давомида республикадаги микрокредит ташкилотлари томонидан 16,1 млрд.сўмлик микрокредит ва микроқарз бериш бўйича хизматлар кўрсатилди. Улардан жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар 14,1 млрд.сўмни (умумий ҳажмига нисбатан 88,0 фоиз), юридик шахсларга берилган микрокредитлар – 1,9 млрд.сўмни (12 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодиёт секторлари бўйича берилган микрокредитлар қуйидагича ифодаланади:

**2011 йилнинг 1 ярим йиллигида юридик шахсларга
тақдим этилган микрокредитлар**



Нарх ва тарифлар

**Январ–июнда
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(наrx–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)**

	ўртача ойлик даражаси		июн оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2010й.	2011й.	2010й.	2011й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	4,0	3,6
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,2	1,8	7,5	11,4
Юк ташиш тарифларининг индекси	2,4	2,6	15,3	16,9
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,6	0,3	3,9	2,0

**Январ–июнда саноат тармоқлари бўйича
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2010й.	2011й.
Жами	107,5	111,4
шу жумладан:		
электроэнергетика	104,1	109,1
ёқилғи саноати	100,9	116,2
қора металлургия	110,5	101,6
рангли металлургия	106,1	104,7
кимё ва нефт–кимё саноати	109,2	107,8
машинасозлик ва металлсоз– лик	112,2	113,4
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	104,8	110,2
қурилиш материаллари саноати	120,7	125,6
енгил саноат	107,2	107,4
озиқ–овқат саноати	106,1	114,5
ун–ёрма саноати	100,0	100,0

**Январ–июнда транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2010й.	2011й.
Юк транспорти – жами	115,3	116,9
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	112,3	130,7
автомобил транспорти	101,4	118,4

	2010й.	2011й.
ҳаво транспорти	85,8	114,8
қувур йўллари	118,8	111,1

**Январ–июнда юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2010й.	2011й.
Жами хизматлар	103,9	102,0
шу жумладан:		
почта алоқаси	115,4	100,0
шаҳар телефон алоқаси	103,8	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	107,8	118,7
уяли алоқа	105,3	104,4

Демографик ҳолат

Жорий ҳисоб бўйича 2011 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра республикада доимий аҳоли сони 28639,0 минг кишини ташкил қилади. Шундан 51,3 фоиз аҳоли ёки 14697,0 минг киши шаҳар жойларида истиқомат қилади.

Январ–июнда аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2010 йил	2011 йил
Туғилганлар	20,4	18,8
Ўлганлар	4,6	4,8

ҳар 1000 кишига

	2010 йил	2011 йил
шу жумладан бир ёшгача болалар *)	11,0	10,0
Никоҳлар	7,9	8,0
Ажралишлар	0,7	0,6

Туғилиш даражаси. Жорий йилнинг январ–июнида туғилиш коэффиценти 18,8 промиллени ташкил қилди ва 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 промиллега камайди.

Ўлим даражаси. Ҳисобот даврида ўлим коэффиценти 4,8 промиллени ташкил қилди ва 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 промиллега кўпайди.

Ўлганлар умумий сонидан 66,9 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,5 фоизи ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,2 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,5 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг январ–июнида бир ёшга тўлмасдан ўлган болалар сони 3,1 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффиценти 2010 йил январ–июндаги 11,0 промилледан 10,0 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмасдан ўлган болалардан 49,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 34,6 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,5 фоизи туғма аномалиялардан ва 4,7 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. Жорий йилнинг январ–июнида ФҲДЁ органларида 113,6 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 9,0 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 8,0 та (2010 йил – 7,9 та) никоҳ ва 0,6 та (2010 йил – 0,7 та) ажралишлар тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг январ–июн ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 65,1 минг кишини ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисобланганда аҳоли кўчиб келиши даражаси 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 5,0 промилледан 4,6 промиллега камайган. Жорий йилнинг январ–июн ойларида кўчиб кетганлар сони 79,3 минг кишини ташкил қилди. Минг аҳолига

*) ҳар 1000 та туғилганга

нисбатан ҳисобланганда аҳоли кўчиб кетиши даражаси 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 промилледан 5,6 промиллега камайган.

Миграция қолдиғи минус 14,2 минг кишини (2010 йилнинг шу даврида минус 18,0 минг киши) ташкил қилди.